

ИНСОН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

ҚАБУЛГА БЕМОР КЕЛДИ...

Репортаж

Одатдаги иш куни. Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали қабул бўлимига шу куни 71 нафар бемор мурожаат қилди. Уларнинг 48 нафари стационар, 28 нафари амбулатория режими билан даволанишга йўлланди.

Улғубек Азизов раҳбарлигидаги қабул бўлимининг уч нафар малакали шифокор ҳамда 56 нафар ҳамширадан иборат жамоа ҳар бир аъзосининг қўли-қўлига тегайди. Беморлар қабул қилиниб, ташхис билан илмий марказ бўлимига жойлаштирилади. Бўлим бошлиғи қўлидаги беморларни қайд қилиш журналига кўз югуртирар экан, ўтган 8 ойда 8972 бемор мурожаат билан келганини, уларнинг асосий қисми шифо топганини таъкидлади.

Илмий марказнинг Жиззах филиали 2000 йил 3 июнда ташкил этилган. Хозирда муассасага тиббиёт фанлари доктори, профессор Мухтор Эшбеков раҳбарлик қилиб келмоқда. 720 киши меҳнат қилаётган жамоадаги 120 врач орасида бир нафар фан доктори, 4 нафар фан номзоди бор.

Бош шифокор Алижон Азимовнинг таъкидлашича, шифо масканида ҳозирга 40 мингга яқин бемор даволанди. Вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги илмий марказ мутахассислари билан ҳамкорликда кўкрак нафаси, қорин бўшлиғи, қон-томир, буй-

рак-сийдик йўллари, травматологик, нейрохирургик йўналишдаги мураккаб операциялар шу ернинг ўзиде малакали шифокорлар томонидан муваффақиятли амалга оширилмоқда. Марказда 13 та клиник муассаса бўлиб, уларда 220 ўрин мавжуд.

Илмий марказнинг аввалги тиббиёт ўчоқларидан фарқи шундаки, дейди суҳбатдошимиз А.Азимов, – мутахассисларимиз кучли билим соҳибларидир. Бундан ташқари, аҳолига тиббий ёрдам энг замонавий усулда олиб борилади. Ўтган даврда уч нафар шифокор Киевдаги тиббиёт муассасаларида малака ошириб қайтди. Хирургия бўлими бошлиғи Фулом Орифхўжаев яқинда номзодлик ишینی химоя қилди. Хозирда 7 нафар ходим ўз йўналишлари бўйича илмий изланиш олиб бормоқда. «Академик Воҳидов ўқишлари – 2003» анжумани бу йил Андижонда ўтказилади. Тадбир олдидан жамоадаги ҳамкасбларимизнинг 6 та илмий мақоласи эълон қилинди. Реанимация бўлими бошлиғи Ботир Ҳамроқуллов мазкур анжуманда долзарб мавзуда чиқиш қилади.

Илмий марказда ҳар куни врачлар конферен-



Оилавий таъаботхона

Мана уч йилдирки, шаҳримизда «Оилавий таъаботхона»лар фаолият кўрсатиб келмоқда. Авваллари бир оиладаги катта ёшлар, аёллар, болалар ўзлари ҳисобда турадиган турли таъаботхоналарга қатнаб келган бўлса, эндиликда оиланинг ҳар бир аъзоси ўз саломатлиги юзасидан яши йўлга қўйилган. Худудимиздаги 4 та маҳалла аҳолиси, 2 та олийгоҳ, 4 та коллеж, 9 та ўрта умумтаълим муассасалари ўқувчи ва талабаларига, жами 30 мингдан ортиқ кишига хизмат қилаётган 33 нафар шифокор, 80 нафар ҳамшира ва кичик тиббиёт ходими хизматидан кўнглик мамнун.

Дарҳақиқат, жамоада М.Эшбеков, А.Азимов, А.Сириев сингари ўнлаб меҳрирдор шифокорлар меҳнат қилишмоқда. Шу боис ҳам бу ерга даво истаб келган беморлар шифо масканини чуқур миннатдорчилик ила тарқатмоқдалар.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

ОИЛАВИЙ ТАЪАБОТХОНА

Мана уч йилдирки, шаҳримизда «Оилавий таъаботхона»лар фаолият кўрсатиб келмоқда. Авваллари бир оиладаги катта ёшлар, аёллар, болалар ўзлари ҳисобда турадиган турли таъаботхоналарга қатнаб келган бўлса, эндиликда оиланинг ҳар бир аъзоси ўз саломатлиги юзасидан яши йўлга қўйилган. Худудимиздаги 4 та маҳалла аҳолиси, 2 та олийгоҳ, 4 та коллеж, 9 та ўрта умумтаълим муассасалари ўқувчи ва талабаларига, жами 30 мингдан ортиқ кишига хизмат қилаётган 33 нафар шифокор, 80 нафар ҳамшира ва кичик тиббиёт ходими хизматидан кўнглик мамнун.

Дарҳақиқат, жамоада М.Эшбеков, А.Азимов, А.Сириев сингари ўнлаб меҳрирдор шифокорлар меҳнат қилишмоқда. Шу боис ҳам бу ерга даво истаб келган беморлар шифо масканини чуқур миннатдорчилик ила тарқатмоқдалар.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тармоқ касабаси уюшмаси 2001-2003 йилларга мўлжаллаб тузилган Битим асосан Президент Фармонлари, ҳуқуқимизнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш, иш ҳақи, қўшимча ҳақ тўлаш, меҳнат шартларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш каби масалалардан иборат.

ҲАМШИРА ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНДИ

Юридик шахс мақомига эга бўлган 35 та меҳнат жамоасида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, уларда 22750 ходим манфаати қамраб олинган. Жамоа шартномалари ижросини таъминлаш борасида Форш, Бахмал, Фаллаорол, Пахтакор туманлари тармоқ касабаси уюшма кўмиталари, шунингдек, вилоят санитария-эпидемиология нazorат марказида ўзига ҳос таърибга тўлган.

Вилоятимиздаги 3 та тиббиёт коллежиде 3586 нафар ўқувчи таълим олмақда. Ушбу билим юрларида жамоа шартномалари тузилган бўлиб, уларда талабаларнинг ўқиш, яшаш, дам олишлари учун турли имтиёзлар ўз ифодисини тошган. Мазкур имтиёзлар қайд этилган бандларнинг ижроси касабаси уюш-

ОҚ ХАЛАТЛИЛАР МАҲАЛЛАЛАРДА

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси профилактика йўналишини устувор даражада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳар томонлама барқамол аҳолини тарбиялаш, касалликларнинг хавф-хатари ва сабаб-оқибатлари боғлиқлиги омилини аниқлашни назарда тутди. Бу каби долзарб вазифалар «Саломатлик» институти зиммасига юкланган.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада вилоят халқ таълими бошқармаси, спорт қўмитаси, «Маҳалла» жамоармаси, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар олиб боришмоқда.

Мақтабларнинг юқори синф ўқувчилари орасида «Гигиена» ва «аср вабоси», «Усмилрлар гигиенаси», «Бағоят ёши ўзгаришлари», «Она бўлиш бахти», «Соғлом авлод – юрт таянчи», «Оила маданият – келажақ пойдевори» каби мавзуларда давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар, учрашувлар ташкил этилди.

Ходимларимиз жорий йилнинг ўтган даврида Арнасои, Бахмал, Фаллаорол, Жиззах, Зомин туманларида бўлиб, санитария тарбияти ишларини ўрганишни, уларга ташкилий, амалий-устуворий ёрдам кўрсатилди.

Шуниси қувонарлики, қатор туман ҳокимлари қарорлари билан жойларда «Саломатлик» маркази ташкил қилиниши ва уларга юридик шахс мақоми берилиши нур устига аъло нури бўлди.

И. ТУРАЕВ,
республика «Саломатлик» институти Жиззах филиали директори

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИДА

Қишлоқ аҳолисига намунали бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимини яратишда қишлоқ врачлик пунктлари ҳал қилувчи аҳамият касб этамоқда. Мана учинчи йилдирки, бизнинг муассаса 5479 кишига хизмат қилиб келмоқда. У замонавий тиббий ускуналар билан тўла жиҳозланган. Аёллар кўрикхонаси, кундузги даволаш, физиотерапия, стоматология, терапия, болалар қабулхонаси каби бўлимлар мунтазам ишлаб турибди. Шойлиқ тез тиббий ёрдам пункти орқали беморларга хизмат кўрсатилапти.

Худудимизда истиқомат қилувчи 1243 нафар 14 ёшгача бўлган болалар, 1465 нафар туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги доимий диққат-эътиборимизда. Қўчаларга бриктирилган шифокор ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари масъулияти янада оширилган. Шунинг учун ҳам болалар ўлими кескин қамайишига эришилди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, туман марказий касалхонасидан олинандиган дорилар бўйича бюртмаларимиз айрим ҳолларда тўла-тўқис бажарилмай қолмоқда.

Т. ПАРДАЕВА,
Дўстлик туманидаги «Наврўз» қишлоқ врачлик пункти мудири

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, деганларидек, яқинда республика шойлиқ тиббий ёрдам маркази Жиззах филиалида даволанишига тўри келди.

ШИРИН СЎЗ – ЖОН МАЛҲАМИ

Аввало, бу ердаги беморларга яратилган шароит мени мамнун этди. Шифокору ҳамширалар беморлар бошида парвона. Уларнинг ширин сўзи қалбга қувват. Шифокор ва ҳамширалар М.Йўлдошев, З.Сиддиқова, Н.Сатторов, Т.Омоновлардан миннатдорман. Боиси соғлигимни тиклаб, оёққа қўйишди.

Г.НОРМАТОВА,
Жиззах шаҳридаги «Иттифок» маҳалласида яшовчи 1 гуруҳ ногирони

Мустиқиллик йилларида Жиззах вилоятининг қатор туманларида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, соҳани ислоҳ қилиш юзасидан хайрли ишлар амалга оширилди. Қаранг, сўнги тўрт йилда жами амбулатория, поликлиникалар сони 207 тага етди. Тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида оилавий поликлиникалар ҳам ташкил этилди. Олий ва биринчи тоифали ходимлар кўпайди.

Бирок, Жиззах туманида эришилётган натижалар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари М.Эргашев хузурида бўлиб, мақсадини айтганимизда, у турли баҳоналарни рўқча қилиб, савол-жавобдан ўзини олиб қотди. Қарақли ҳужжатлар билан танишиш мақсадида етакчи мутахассис О.Эгамқулловни узоқ кутса-да, у билан рубару бўлиш nasib этмади. Ҳаммаси кейинчалик ойдинлашди.

Маълум бўлишича, туман ҳокимлигининг 1999 йил 6 январдаги қарори билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича дастур қабул қилинган. Унгача бу ерда бор-йўғи 3 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлган. Дастурга қўра 2005 йил охирига бориб туман-да янги қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ҳисобига улар сони 23 тага етказилиши керак. Агар ўтган тўрт йилда туман бўйича бор-йўғи 6 та ҚВП ташкил этилганини эътиборга олсак, мақсадга неча йил-

да янги қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ҳисобига улар сони 23 тага етказилиши керак. Агар ўтган тўрт йилда туман бўйича бор-йўғи 6 та ҚВП ташкил этилганини эътиборга олсак, мақсадга неча йил-

канига 2,5 шифокор шати ажратилган ҳолос. Демак, ҳар бир шифокор 1400 ўрнига 3 мингдан ортиқроқ кишига хизмат кўрсатишига тўғри келади... Боз ўстига, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳам ўлда-ўлда. Шифокорлар билан дилдан суҳбатлашганимизда, улар яна бир муаммони кўндаланг қўйишди. Яъни, улар қиш давомида иситилмайдиган бино хоналарида пальтога ўралиб меҳнат қилишаркан. Артезиан суви ҳеч бир тозалашдан ўтказилмай истеъмолга берилмоқда. Бу ўз-ўзидан турли касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Янги қурилган қишлоқ врачлик пунктида аҳвол шундай бўлгач, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

«Хаваслик» қишлоқ врачлик пункти 2001 йил сентябрида ишга тушган. 8300 аҳолига хизмат кўрсатадиган тиббиёт мас-

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАС

Жиззах туманида тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш сушт бормоқда

Маълум бўлишича, туман ҳокимлигининг 1999 йил 6 январдаги қарори билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича дастур қабул қилинган. Унгача бу ерда бор-йўғи 3 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлган. Дастурга қўра 2005 йил охирига бориб туман-да янги қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ҳисобига улар сони 23 тага етказилиши керак. Агар ўтган тўрт йилда туман бўйича бор-йўғи 6 та ҚВП ташкил этилганини эътиборга олсак, мақсадга неча йил-

СИЗ КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛАСИЗМИ?

Андижон вилоятидеги олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари талабалари «Сиз Конституцияни биласизми?» танловига қатнашишга тайёргарлик қилишмоқда.

Танлов вилоят Маънавият ва маърифат маркази ҳамда «Соғлом авлод учун» ва «Болалар» жамоармалари ташаббуси билан ўтказилмоқда. Шунингдек, вилоят ҳуқуқий тарғибот маркази ҳам бу ишга бош қўшган. Конституция билимдонлари уч босқичда аниқланди. У дастлаб ўқув юрларида, кейин эса туман ва вилоят микросида ўтказилди.

Танловнинг якуний босқичи Ўзбекистон Конституцияси байрами кунинда бўлиб ўтди. Танлов гойибларини қимматли совринлар кутмоқда. «Туркистон-пресс»

РАҒБАТ

Раҳимжонни хирмонда, пахта уюми ёнида учратдик. Барака ёлганини рост бўлсин, деди хўжалик раҳбари бош пудратчи. – Фалаба билан жамоа номидан кутлайман.

Раҳимжон Жумаев бошлиқ пудратчилар нафақат вилоятда, балки республикада биринчилардан бўлиб шартномавий режани ошири билан бажарилган. 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан дастлабки теримдаёқ 35 центнердан хирмон кўтарилди.

Биргалишиб теримчилар томонга йўл олдик. Раҳимжон Раҳимов, Насибхон Усмонова, Ўқтамхон Ҳайдарова, Анорхон Болтабоевалар кунига хирмонга 200-250 килограммдан пахта тўжи, сурьатга сурьат қўшаётган илгорлардан. Улар учун барча шароитлар яратилган. Айниса, шийпонининг саранжом-саришталиги мактовга лойик.

Теримчилар бирин-кетин тушликка чиқа бошладилар. Шу пайт шийпон олдида енгил машина келиб тўхтади. Ундан гўлман кўтарган хўжалик касабакўм раиси Инобиддин Отақўзиев ва ҳазиначи Каримжон Сатторов тушиб келишди. Раиснинг ишораси билан хазиначи иш ҳақларини тарқатишга киришди. Навбат номи юқориде зикр қилинган теримчи Раҳимжон Раҳимовга келганда, бутун шийпонни қарсақ тутиб кетди. Мавсум бошидан терган 8 тонналик хирмонига 246 минг сўмлик иш ҳақини дала-нинг ўзиде санаб олди.

Бундайларга шафқат йўқ ТУБАНЛИК

Сирдарё вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг пахта хомаёшсини сақлаш, қўнуга зид ҳолда четта олиб чиқиши олдини олишга қаратилган қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки, вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ташаббуси билан чегарадош худудларда қўллаб махсус йиғинлар ташкил этилмоқда. Мутахассислар иштирокида ўтаётган мазкур тадбирларда тушунтириш-тарғибот ишларига катта ўрин ажратилган. Шунингдек, пахта хомаёшсини қайта ишловчилар, қабул қилувчилар, ташувчилар ҳам қўнун бузилишига йўл қўймастик юзасидан оголхантирилмоқда. Бирок, олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қарамаздан, дехқон меҳнати, пешона тери эвазига етиштирилган пахта ҳосилини қинғир йўллар орқали четта олиб чиқиш ҳолатлари хали-ҳақон учраб турибди.

Шу йилнинг 19 сентябр кўни Сирдарё тумани «Истиклол» ширкат хўжалигида яшовчи Фурқон Пўлатов хонадон қўздан кечирилганда, 2175 килограмм янги терилган пахта хомаёшсини сақлаб-танганини аниқланди. Хонадон соҳибининг изоҳлашича, бу пахта хомаёшсини Бахт шаҳри «Ёшлик» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Халилов сотиш учун унингга келтирган эмши. Туман ИИБ ходимлари саъй-ҳаракати билан бу пахта ҳосили Сайхунбоднинг «Шўрўзақ» ширкат хўжалиги далалидан Б.Халилов томонидан ёлланган ҳашарчилар томонидан териб олинганлиги аниқланди. Милция ходимлари хўшёрлиги боис умумий қиймати 428025 сўмлик пахта ҳосили қабул пунктидан жой олди. Халқ ризига кўз олайтирганлар эса қилмишларига яраша жаза оладиган бўлишди.

Яна бир мисол. 20 сентябр кўни «Малик» ширкатлар уюшмаси «Сафар ота» маҳалласида истиқомат қилувчи Омгондеги Орзиқулов бошлиқ саккиз нафар шовов 830 килограмм пахтагани эшак аравага юкляб қўшни республика ширкат йўлга отланган экан. Улар жон қойитмасдан даромад кўриш мақсадида қинғирқийиқ йўллар орқали юкни манзилга етказиш пайида бўлганлар. Аммо «тадбиркорларнинг» тадбири амалга ошмади, «Малик» божхона пост маскани яқинида туманидан илдиндилар. Сайхунбодлик 20 яшар Умида Бозитованинг қилмишидан ёқа ушламай илоҳ йўқ. Қарангки, у эңгитида 17 ёшга қадам қўйган уқаси Хасанбойни ҳам йўлдан урибди. Опа-уқа 16 сентябр тунда «Шўрўзақ» ширкат хўжалигининг Шурат Эшмирзаев бошлиқ оилавий пудратчилари даласидан 58 килограмм пахта-ни қанорларга жойлаб, четта сотишни кўзлаётган чоғда туман ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ўқоридиларидан қўрқиб турибдики, айрим кишилар фарворитлигимиз асоси бўлган бойлигимизни четта сотишдан тап тортмишмапти. Ахир, она Ўзбекистонимиздаги ҳар бир неъмат халқимиз ризки, насибаси-ку! Бу бойлиқни ўзгаларга ўғирлаб сотиш бориб турган тубанликдан бошқа нарса эмас.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

УЛКАН ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Улкан ғамхўрлик намунаси. Улар, танишларнинг менга ижирганиб қарашларидан, ҳадиксирашларидан чўчигандим. Шўкрки, ундай бўлмади. Ҳамма ёрдам қўлини чўзгани келайтганини ҳис этиш менга катта далда бўлди. Ҳозир ишляяпман. Менга бу имконни яратиб берганлардан бир умр миннатдорман. Ҳамма туман ички ишлар бўлимида ҳам ҳазодан озод этилганлар билан яқин муносабат ўрнатилган. Уларда янғича ҳаёт, меҳнат шароитига қўнжма ҳосил қилиш учун барча имконият ишга солиняпти. Зеро, адашган кишиларнинг тўғри йўлга тушиб кетиши ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Шу боис, профилактика инспекторлари ва

УЛКАН ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

бўлимида ҳам ҳазодан озод этилганлар билан яқин муносабат ўрнатилган. Уларда янғича ҳаёт, меҳнат шароитига қўнжма ҳосил қилиш учун барча имконият ишга солиняпти. Зеро, адашган кишиларнинг тўғри йўлга тушиб кетиши ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Шу боис, профилактика инспекторлари ва

УЛКАН ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

миннатдор эканликларини айтиб, ҳаётда ўз ўринларини топишга ёрдам кўрсатганларга ҳалол меҳнатлари билан жавоб қайтаражакларини таъкидлашди.

Ҳа, Президентимизнинг улкан ғамхўрлик ва меҳр билан йўғрилган Фармони минглаб кишиларга тўғри яшаш ва меҳнат қилиш имконини берди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири



ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома» 8.45 «Камалак»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Банкок-Хилтон»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести» 16.45 «Парле ву франсе»...

СЕШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 17.55 ТВ маркет...

14.40 ННҚ тақдим этади: «Буюк Ипак йўли»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Банкок-Хилтон»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести» 16.45 «Жонли табиат»...

ЧОРШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 17.55 ТВ маркет...

18.40 «Қалб гавҳари» 19.00 «Хай ва қону»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Банкок-Хилтон»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести» 16.45 «Саъдатдан кўрсат»...

ПАЙШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 17.55 ТВ маркет...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Банкок-Хилтон»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести» 16.45 «Мультомшо»...

ШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 17.55 ТВ маркет...

ЖУМА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 17.55 ТВ маркет...

«Давр»-интервью. 10.55 ТВ - анонс. 11.00 Жар ёқисиди...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Банкок-Хилтон»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести» 16.45 «Мультомшо»...

ШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 17.55 ТВ маркет...

21.35 «Обод уйда пок одамлар яшайди»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Банкок-Хилтон»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести» 16.45 «Мультомшо»...

ЯҚШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 17.55 ТВ маркет...

15.40 «Маърифат» Телевизионах. 16.00 ТВ клип...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Банкок-Хилтон»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести» 16.45 «Мультомшо»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 17.55 ТВ маркет...

ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ КЎТАМИЗ!

Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон телевидение...

Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот маркази

ЎЗКУФК соврини учун

ГУРУХ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ
ЁХУД ДУРАНГИСIZ ЎЙИН

«Яккасарой» спорт мажмуи аjoyиб футбол спектаклининг гувоҳи бўлмоқда. Аввал хабар қилганимиздек, бу ерда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши соврини учун мини-футбол бўйича турнир ўтказилмоқда.

Албатта, ғайрати жўш туриб турган 18-20 ёшли йигитлар тўп сурганда майдонда бутунлай ўзгача манзарани кўриш мумкин. Лекин биз шохиди бўлганимиз турнирнинг гуруҳ баҳслари, унда намойиш этилган шиддат ва шижоат ҳам шубҳасиз таҳсинга лойиқ. Гарчанд майдонда энг ёши кичиги ўттиз, аксарият ўйинчилар кирк ва хатто элликни қоралаган бўлишига қарамай, уларнинг жон-жаҳдлари билан елиб-югураётганликларини кўрган киши қойил қолмай иложи йўқ. Майдоннинг ҳар қарч ерида мурасасиз кураш бораётганлиги, томонлар ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам сира бўш келмаслиққа интилаётганликлари сўзимизни тасдиқлайди.

Бу ҳақда биз биринчи ҳисоботимизда ҳам алоҳида ургу бериб ўтгандик. КУФК жамоаси ушбу турнирда жиддий тайёргарлик кўрганини амалда исботлай

билди. Жамоа иккинчи турда «Курувчи» устидан 4:0, учинчи турда «Семурғ»ни 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, гуруҳда тенгсиз эканлигини ҳар жиҳатдан намойиш этди.

Шунингдек, Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитасининг ТЭК, Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви вакиллари билан тўпдан «Меҳнат» ва албатта ғолибликка даъвогар сифатида тилга олинаётган «Автомобилчи» жамоаларининг сермахсул ўйинини таъкидлаш жоиз.

Яна бир нарсага диққатингизни торттишни истардим. Биринчи турда ўтказилган олтита учрашувнинг бештасида йирик ҳисоб қайд этилган эди. Иккинчи ва учинчи турда эса бор-йўғи тўрт бор бир жамоа иккинчисидан мутлақ устунликка эришди. Бу ҳам ўйин амалиёти ортган сайин кураш ҳам анчайин мурасасиз тус олганидан дарак беради.

Энди эътиборингизга иккинчи ва учинчи тур натижаларини ҳавола этамиз: СФП - «Курувчи» - 4:0, «Автомобилчи» - «Курувчи» - 4:1, АПК - «Семурғ» - 2:4, «Локомотив» - «Машинасоз» - 2:1, ТЭК - «Тадбиркор» - 3:0, КАС - «Шифокор» - 4:2, АПК - «Курувчи» - 4:2, «Автомобилчи» - «Машинасоз» - 2:0, СФП - «Семурғ» - 4:2, «Локомотив» - «Курувчи» - 1:0, «Устоз» - «Тадбиркор» - :+, «Меҳнат» - «Шифокор» - 12:4

Эътибор қилган бўлсангиз, жадвалда дуранглар устуни «очилмай» қолган. Бу, демакки, ушбу турнирда умуман битимга имзо чекилмади. Чунки, биз

Table with columns: Тур, Ҳ, Ю, Д, М, Т-Н, О. It lists results for groups A, B, C, and D.

СФП - «Тадбиркор», «Локомотив» - «Меҳнат», ТЭК - АПК, «Автомобилчи» - КАС жамоалари ўзаро учрашдилар. Табиийки, нега «Курувчи» ёки «Семурғ» эмас, АПК командаси ушбу баҳсда қатнашди, деган савол туғилади. Курувчилар таркибда етакчи ўйинчилар жароҳат олганлиги учун жамоа мусобақалари давом эттиришни лозим деб топмади. Буёғига Низомга биноан иккинчи, учинчи ва тўртинчи ўрин эгалари ўртасидаги ўзаро учрашувлар инobatга олинди. Натижада АПК жамоасига устунлик берилди.

Футбол шуниси билан ҳам қизиқ

З.РИХСИЕВ


Газета саҳифаланаётганда:

Чорак финал баҳслари қуйдагича яқун топди: СФП - «Тадбиркор» - 5:1, «Машинасоз» - «Меҳнат» - 4:3, ТЭК - АПК - 4:0, «Автомобилчи» ва «КАС» жамоалари ўртасидаги учрашув асосий вақтда 3:3 ҳисобида дуранг билан тугасада, пенальти тегишида автомобилчиларга омад қилиб боқди.

Шундай қилиб, СФП, «Машинасоз», ТЭК ва «Автомобилчи» жамоалари ярим финалга йўлланма олди.

яхши биламизки, чорак финал, ярим финал, учинчи ўрин учун ва финал учрашувларида албатта ғолиб аниқланиши керак. Шу маънода айтиш мумкинки, КУФК соврини учун турнирда ўзига хос рекорд ўрнатилди. Бунақаси эса камдан-кам юз берадиган ҳодиса.

Кеча чорак финалда



Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар

ЖАМҒАРМА ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш борасида қўлгина ибратли ишларни қилмоқда.

Бугунги кунда «Тиббий-ижтимоий патронаж», «Она ва бола скрининги», «Таълим», «Туғруқона ва болалар шифохоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш» дастурлари бўйича иш олиб бормоқдамиз, деди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи Зулфия Дошкенова «Туркистон-пресс» муҳбирига. Дастурлар бўйича замонвий тиббий-таълим асбобу ускуналари ва шифокор мутахассислар билан таъминланган махсус «Амбуланс» автомашиналарида республикамизнинг барча туманлари, хатто чекка қишлоқларида яшовчи аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилади. Скрининг маркази очилди. Утган давр мобайнида Япония ҳукумати томонидан ажратилган 278 минг 401 АҚШ долларилик грант ҳисобидан республикадаги туғруқонада «Делфия» скрининг тизими, юқумли касалликлар шифохонасига кўз микрохирургияси ускуналари олинди. Бундан ташқари, шочишлик тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон филиалига «Тойота» автоамбуланси, Хўжайлидаги «Меҳрибонлик уйи»га тўртта компьютер, кам таъминланган оилаларга 10 миллион сўмлик ёрдамлар берилди.

3. Дошкенованинг таъкидлашича, таъкил этилганлигига ўн йил тўлаётган жамғарма томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазасида ҳам, соғлиқни сақлаш борасида ҳам қатор ибратли ишлар олиб бормоқда. Келгусида маҳаллий ҳокимиятлар, «Экспан», «Маҳалла», «Болалар» жамғармалари билан ҳамкорликда талай тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Албатта, бундай хайри ишларнинг натижасини вақт кўрсатади.

Мен Ёсин устани фақат сиртдангина билар, доверунги эшитиб юрардим. Аммо у кишига сўч олдириб кўрмагандим. Ҳар сафар иш жойига борганимда навбат кутганларнинг кўпчилигидан ноумид қайтиб кетардим. Сартарошхонада Ёсин устадан бошқа яна икки ёш шогирдлар ҳам бор эди, лекин уларга сўчини олдирадиган болалардан бошқалари бормасди.

Бугун дам олиш кунини бўлгани боис сочинини текислаб келмоқчи бўлиб Ёсин устанинг сартарошхонасига боришга жазм қилдим. Сартарошхонада ўрта бўй, бугдой ранг, юзи япалоқроқдан келган эллик ёшлар чамасидаги Ёсин уста юмшоқ курсининг суянчиғига бошини қўйиб, сўч-соқолини олдираётган семиз кишига гап қотарди.

«Сўч олишни билган билан, муҳтарам жаноблари, унинг усулини билмасан, худди уста кўрмаган шогирдининг ҳар макомга йўрғалаганига ўхшаган гапдир. Мана менинг олдимга сиз каби ҳурматли мижозлар улзуксиз келиб туришадилар. Ишқилиб, каминага Худо юқтирган экан, бу касбни, ҳар қайсингизни кўнгилдагидек рози қилишга ҳаракат қиламанда-а.

Мижоз кулимсиради. Ўрнидан туриб кўзуга яқинроқ қаради-да, сочининг олинишидан мамнун бўлган ҳолда: - Раҳмат, уста. Мен энди кетай, - деб эшик томонга юрди.

- Яхши, яхши, саломат бўлинг, - деб эгилди уста. Мижоз эшикдан чиқиб олислаб кетганига қадар ортидан қўл қовуштириб турди. Шу топда унинг чеҳ-

расида мижоздан мамнун бўлганлик ифодаси жилваларни берди. Сўнг у навбат қутиб ўтирганларга қаради-да: - Э-э, Аҳмаджон, кўзларимга ишонгим келмайди, нахотки, нахотки бу сиз бўлсангиз. Бормисиз дунёда, хў-ўб, яхши келиб қолибсиз. Қаерлардан сўраймиз? - деганча мандан кейин навбатда турган ўрта ёшли бир

СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА

ЖИКОЯ

киши билан қизгин саломлашди ва уни ўриндиққа таклиф қилғач қўшиб қўйди, - ўзим-а, анча бўлди-ёв кўринмай қолганингизга? - Бормиз, албатта. Қаерда ҳам бўлардик. Бироз вақт Или тарафга бориб Урумчи-га гўшт келтириш билан банд бўлдик. Ўзингизда тинчликми? - Тинчлик, тинчлик, биродари азиз. Ширкатда ҳар қайсингиздек ёш-биродарлар борлигидан бошим кўкка етиб, гўштдан қийналмай келяймиз-да!

Уста хоҳолаб маъза қилиб қулди. Олдимдаги узун ўриндиқда сиқилишиб навбат қутиб ўтирган кишиларнинг кайфиятлари бузилиб гудурлаша бошлашди.

- Биз келганга ҳам талай вақт бўлди. Бу уста рози ноинсоф экан. Буткул танши-билишларнинг сочинигина оларкан-да.

Сабр қосаи тўлган бир неча киши сартарошхонадан чиқиб кетди. Ёсин уста уларга ақалли қиё ҳам боқмади.

Жаҳон адабиётидан

У бояғи таниши билан нима-нидир келишаётганди. Мен ҳам ҳалиги навбат кутган кишилар билан бирдай фикрда эдим. Бирок, энди охирига чидаб туришга қарор қилдим.

Ёсин уста ҳалиги кишининг ҳам сочини олди. Унинг соч олиш усули ҳақиқатан ҳам

қулоқ-миямни еб юбориша-ёзди-да? - Бор-йўғи шунинг ўзи-ми? - Ҳозирча шу, - Бўлади. Дўконга бори-ринг...

Мен ўриндиққа эндигина ўтирган эдим ҳамки, Ёсин уста бироз энгашиб паст овозда: - Укам, хафа бўлмай озор-рок сабр қилиб турсангиз, манови кишининг сочини олиб юборай-а? - деди.

Мен ноилоҳ ўрнимни бўшатиб бердим. Соатга қарадим. Келганимга икки соатдан ошди. Яна қанча қутишимга тўғри келаркан, билмадим!

Орадан ўн дақиқа ўтмасдан сартарошхонага пақана, хўппа семиз бир киши кириб келди.

Мен ўриндиққа эндигина ўтирган эдим ҳамки, Ёсин уста бироз энгашиб паст овозда: - Укам, хафа бўлмай озор-рок сабр қилиб турсангиз, манови кишининг сочини олиб юборай-а? - деди.

Мен ноилоҳ ўрнимни бўшатиб бердим. Соатга қарадим. Келганимга икки соатдан ошди. Яна қанча қутишимга тўғри келаркан, билмадим!

Орадан ўн дақиқа ўтмасдан сартарошхонага пақана, хўппа семиз бир киши кириб келди.

Мен ўриндиққа эндигина ўтирган эдим ҳамки, Ёсин уста бироз энгашиб паст овозда: - Укам, хафа бўлмай озор-рок сабр қилиб турсангиз, манови кишининг сочини олиб юборай-а? - деди.

Мен ноилоҳ ўрнимни бўшатиб бердим. Соатга қарадим. Келганимга икки соатдан ошди. Яна қанча қутишимга тўғри келаркан, билмадим!

Орадан ўн дақиқа ўтмасдан сартарошхонага пақана, хўппа семиз бир киши кириб келди.

Мен ўриндиққа эндигина ўтирган эдим ҳамки, Ёсин уста бироз энгашиб паст овозда: - Укам, хафа бўлмай озор-рок сабр қилиб турсангиз, манови кишининг сочини олиб юборай-а? - деди.

Мен ноилоҳ ўрнимни бўшатиб бердим. Соатга қарадим. Келганимга икки соатдан ошди. Яна қанча қутишимга тўғри келаркан, билмадим!

Орадан ўн дақиқа ўтмасдан сартарошхонага пақана, хўппа семиз бир киши кириб келди.

ТАҚДИМОТ

Ўзбек Миллий академик драма театрида профессор Ҳафиз Абдусаматовнинг «Саҳна сардори» китоби тақдими бўлиб ўтди. Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи ташаббуси билан нашр этилган ушбу китоб Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти, мазкур театр актёри Зикир Муҳаммаджоновнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган.

Миллий театримизнинг 65 йиллик тарихи ушбу атоқли санъаткорнинг ижоди ва фаолияти билан боғлиқ. Монографияда З.Муҳаммаджоновнинг театр ва кино соҳасидаги ижодий фаолияти таҳлил этилган.

(ЎЗА)

Огоҳликка даъват

ХОМ СУТ ЭМГАН БАНДА

Экстремизм динни ниқоб қилиб олиб, одамларни фақат хурофотга етаклашдек галамис ва гараз ниятли кимсаларни бирлаштирувчи сохта ғоялар билан суғурилган оқим.

Шаҳрисабзлик Заҳриддин Жалилов оила аъзолари даврасида тинч ва осойишта меҳнат қилиб юрган хоҳисор бир киши эди. Нима жин урдию, йўлдан адашди. Нияти бузуқ гаддор нусхаларнинг гапига лаққа тушиб, ярамас ҳаракатларда қатнашди.

Қонунни бузган жазосиз қолмайди. «Хизбут таҳрир» оқимиға қўшилиб қилган ноқонуний ҳаракатлари учун 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 159-моддаси 3-қисми билан беш йил озодликдан маҳрум этилди. Президентимизнинг баргирекчилиги туфайли авф этилиб, озодликка чиқди.

Заҳриддин қамоқда бўлганда хато қилганини англаб етди. Адашганига амин бўлди. Ватан хоинларининг ногорасига ўйнаганини, кўрнамақлар сафига қўшилганлигини қалбдан тушуниб етди.

Қамоққа тушганда ҳеч ким суриштириб келмади. Ошна-оғайнилари, қариндош-уруғлари юз ўғирди. Бола-чақасининг меҳридан мосуво бўлди.

Панжара ортидан қутилган Заҳриддин муқаддас юрт туپроғини такрор-такрор таовб қилди. Буюқ соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари барпо этган ёдгорликларга, она шаҳрига ўзгача ҳавас ва интиқлик билан тикилди. Эътиқодли, ориятли, виждонли, андишали ва инсофли кишилар адашмаслигига, Ватанинг қадрига етиши ва қўз қорачиғидек асрашига яна бир бор имон келтирди.

Ҳақиқий диндорлар оддий, юрт тинчлиги, осойишталигини қадрловчи, маънавиятли ва маърифатли кишилар, - дейди Заҳриддин суҳбат асосида. - Собик сафдошларимнинг исломий билимлари етарли эмаслигини, чиркин маънавиятини энди-энди тушуниб етмоқдаман.

Заҳриддин кўнглини жумбушга келтирган пушаймонлик ҳисларини қорозга тушириб газета орқали ҳамюртларига йўллади.

Ёлқин

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.25

Мансаблик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Хабарлар оқимидан: Вобкент тумани «Пахтакор» ширкат ҳўжалигидаги Ғавстобон қишлоғида янги спорт шаҳарчаси очилди. Қирқ сотих майдонда ҳашар йўли билан стадион барпо этилди. ЯНГИ СПОРТ ШАҲАРЧАСИ: Стадион қурилишига ширкат ҳўжалиги ва шўерлик тадбиркорлар 2 миллион сўм ажратди. Кафедра ДАРСЛИГИ ИНТЕРНЕТДА: Экология фанидан яратилган электрон дарслик интернет тармоғига киритилди. Кафедрада ўқув фанининг меҳнат муҳофазаси, фуқаро муҳофазаси йўналишлари билан бир қаторда экологик билимларга оид йирик тадқиқотлар олиб борилаётганлиги айтилди.